# М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Истиқбол масалалари билан бир қаторда дастур лойиҳасида мамлакатнинг ҳозирги аҳволи билан боғлиқ бўлган долзарб вазифалар қўйилган. Бу — принципиал жиҳатдан муҳимдир. Биз тангликнинг ривожланиш чўққисидан 1989 йилда ўтиб олишни умид қилган эдик, аммо яхшилик сари ҳозирча бурилиш рўй бермаганини сўнгги вақтдаги воқеалар кўрсатди. Ўтган йилги хўжалик ривожининг яқинда эълон қилинган якунлари иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар зиддиятлилигини яна бир бор кўрсатди. Бир томондан бир қанча кўрсаткичлар бўйича бирмунча ўсиш сезилмоқда — иш ташлашлар, миллатлараро можаролар, интизомнинг пасайиши ва хўжасизлик оқибатида анча нарсадан маҳрум бўлинишига қарамай, шундай натижаларга эришилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари кўпроқ ишлаб чиқарилди. Иккинчи томондан биз истеъмол бозори тобора издан чиқаётганини, тақчилликлар ва навбат кутишлар кўпайиб бораётганини, сўмнинг харид қуввати пасайиб бораётганини кўриб турибмиз. Пинҳона иқтисодиёт ишбилармонлари ва жиноий унсурларнинг фаоллиги вазиятни мушкуллаштирмоқда.

Озиқ-овқат соҳасидаги аҳвол совет кишиларининг айниқса катта норозилигига сабаб бўлмоқда. Бу соҳада масалани кескин қилиб қўймоқ керак. Биз янги аграр сиёсатни ишлаб чиқдик, март Пленумида шу сиёсат учун овоз бердик. Уни озиқ-овқат танглигидан чиқишнинг амалий йўлини кўрсатадиган илғор сиёсат деб баҳолаяпмиз. Пленум ерда хўжалик юритишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланишдаги ҳар қандай чеклашларни бекор қилиш кераклигини айтганлиги энг муҳими бўлди. Кўпгина коллективларнинг тажрибаси асосида мана шундай хулосага келинди. Бир қанча областлар озиқ-овқат бозоридаги аҳволни яхшилаб олишга эришди. Шундай бўлса-да, мамлакат миқёсида жиддий бурилиш рўй бермади. Бунинг сабаби шуки, жойларда ҳали кўп кишилар хўжалик юритишнинг эски ёндашувлари ва усуллари таъсиридан қутила олмаяптилар. Тўғри, ресурслар, техника етишмаяпти, тўғри, бошқача миқёсларда ва бошқача суръатлар билан ижтимоий ўзгартишларни олиб бормоқ керак. Буларнинг ҳаммаси — ҳақ гап. Бироқ қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришни диққат марказига қўйиш керак. Ҳозир бутун иш аввало марказдаги ва жойлардаги кадрларимизнинг позициясига бориб тақалмоқда. Бу — хўжалик масаласи эмас, балки сиёсий масаладир. Деҳқоннинг йўлидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш, унга тўла эркинлик бериш керак. Ҳаракат дастури лойиҳасида масала айни шу тарзда қўйилмоқда.

Озиқ-овқат — истеъмол бозорини нормал изга солиш муаммосининг фақат бир қисми. Шу сабабли лойиҳада молиявий аҳволни ва пул муомаласини соғломлаштириш, сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш тадбирлари комплекси яқин икки йилдаги энг муҳим вазифа тарзидаги унинг аҳамияти таъкидланган.

Тўғри, бизда бу масалаларнинг икир-чикирига кириб бориш нақадар мақсадга мувофиқлиги хусусида мунозара бўлди. Ҳар ҳолда биз партиянинг ҳаракат дастури ҳақида, сиёсий йўл-йўриқлар тўғрисида гап юритяпмиз, шу сабабли ҳукуматнинг халқ депутатлари Съездида кўриб чиқилган дастурида баён этилган гапларни такрорлашга ҳожат бормикан? Принципиал йўл-йўриқлар бу масалаларни бамисоли ютиб юборгандек бўлди. Бироқ бу масалалар шу қадар ўткирки, одамлар муайян аниқликни топа олмагач, норози бўлишлари мумкин. Шу сабабли фикрлашиб олиб, бу хусусда муайян бир тўхтамга келмоқ керак.

Назаримда, шу пайтгача бу масалада бизда қатъийлик етишмади, буни эса бартараф этиш лозим. Гап, жумладан, етишмай турган энг муҳим бўғин ҳақида — нарх белгилаш системаси ҳақида бормоқда, мана шу бўғин сабабли бутун иқтисодий ислоҳот юришмай турибди. Бу муаммони ҳал этишни жадаллаштириш зарур. Партия принципиал позицияда турибди: нарх белгилаш ислоҳотини шундай ўтказиш керакки, бу нарса аҳолининг, айниқса кам таъминланган табақаларининг турмуш даражасига таъсир қилмайдиган бўлсин.

Ўтакетган хўжасизлик иллатларига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Кредитларнинг ҳаддан ташқари паст даромад фоизи белгилаб қўйилган шароитда уларнинг самарадорлигига умид боғлаб бўладими? Бизда белгилаб қўйилган даромад фоизлари ҳеч қаерда, дунёнинг бирор мамлакатида йўқ. Бу фоизларнинг пастлиги сабабли ҳеч ким кредитларни қайтариб беришга интилмайди, чунки улар аслида ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Шу боисдан кредитлар иш бермаяпти, сўм ишламаяпти. Бундай қилиш ярамайди!

Халқ хўжалигидаги товар-материал запаслари ҳар йили бир неча миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб бораётганлигига йўл қўйиб бўладими? Корхоналардаги нормативдан ортиқча запаслар 200 ва 240 миллиард сўмга етганини айтмоқдалар! Айни вақтда бутун мамлакатда ресурслар етишмаяпти, деб шовқин-сурон қилинмоқда. Бунинг устига бозорда энг оддий моллар етишмаяпти. Демак, корхоналарни керагича миқдорда ресурсларга эга бўлишга ва ортиқчасидан халос бўлишга рағбатлантирадиган восита ҳам йўқ.

Қурилишлар ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётган бир пайтда иқтисодий ислоҳотнинг муваффақиятига умид боғлаб бўладими? 1990 йилги план лойиҳаси муҳокама қилинаётган пайтда Госплан вакиллари капитал қурилиш жабҳасини бундан ортиқ қисқартириб бўлмайди, деб ҳавас қилгудек зўр қатъият билан исботлаганликлари эсимизда. Ўтган йилнинг бир ўзида нормативдан ортиқча чала қурилишлар 20 миллиард сўмлик миқдорида кўпайиб, миллий даромад ўсган қисмининг 4/5 қисмини ўз домига олди. Бинокорлик материаллари бозоридаги тақчиллик кучли бўлиб турган, савдо ташкилотларининг илтимослари эса, ҳатто камайтирилган ҳисоб-китобларга қараганда ҳам уч миллиард сўмлик миқдорда қондирилмаган бир пайтда мана шундай аҳвол рўй бериб турибди. Ҳолбуки гап бевосита товар обороти ҳақида, аҳолининг қўлидаги пул ресурслари тўғрисида бормоқда.

Мен ресурсларни тежаш, маҳсулотни асраш ва қайта ишлаш, иккиламчи чиқитлардан фойдаланиш ва шу каби соҳалардан олинган мисоллар билан фойдаланилмаётган имкониятларнинг мана шу рўйхатини узайтираверишим мумкин. Бу соҳалардаги исрофгарчилик миқёси бундан ҳам катта. Бу аҳволга энди мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз иқтисодиётимизнинг мана шу зўрайиб кетган дардларидан олға бориш йўли билангина, иқтисодий ислоҳот доирасида, хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этиш орқалигина қутилишимиз мумкин. Буйруқлар бериш йўли билан бир амаллаб қамчилаб олиш йўлидаги ҳамма уринишлар аллақачоноқ мағлубиятга маҳкум, ўн йиллардан бери иш бермай қўйган, ўртоқлар. Ҳозир эса мутлақо иш бермайди. Халқ хўжалигини идора қилишнинг барча бўғинларида, барча меҳнат коллективларида ишнинг мана шу соҳаларида ҳаракат қилишнинг аниқ-равшан режалари бўлиши керак.

Ўртоқлар, жамиятимиз миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келган ва совет федератив давлатининг келажагига дахлдор бўлган бир қанча мураккаб муаммолардан чекаётган ташвиш иқтисодиёт соҳасидаги ташвишдан оз эмас. Биз бугун муҳокама қилинаётган ҳужжат лойиҳаси устида ишлар эканмиз, миллий масала юзасидан 1989 йил сентябрь Пленумида қабул этилган ҳаракат дастурига таяндик.

Миллий масалага оид ҳаракат дастури федерациямизни ўзгартириш учун илк негиз бўлиб хизмат қила олади, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, кейинги вақтларда юзага келган янгиликни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Съездолди ҳаракат дастурида совет федерациясининг шартнома принципини янада ривожлантириш мумкинлиги ва зарурлиги таъкидланади. Бунда гап аслида федератив алоқаларнинг турли шакллари яшайвериши имкониятини очадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш ҳақида бормоқда. Биз Совет давлатининг яхлитлиги ва бирлигига риоя этган ҳолда миллий турмуш укладларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги тарафдоримиз.

Кейинги вақтларда ҳаммамизнинг миллий муносабатлар соҳасидаги ишларнинг аҳволи ва кучайиб бораётган жараёнлар хусусида жиддий ўйлашимизга имкон бўлганини англаб турибман. Федерациянинг имкониятларини қандай қилиб намоён этиш, шу мақсадда қандай қадамлар қўйиш лозимлиги хусусида соғлом изланишлар билан бир қаторда мамлакатда жуда катта ташвишга сабаб бўлган, муносиб равишда баҳоланиши ва хулоса чиқарилиши керак бўлган анчагина ҳодисалар ҳам содир бўлди. Назаримда, бу соҳада вазминлик ва масъулият билан ҳаракат қилиш нақадар муҳимлигини партияда ва жамиятда англаб олиш катта қийинчиликлар билан бўлса-да, фикрлар тўқнашуви шароитида шаклланиб боряпти. Айирмачилик, миллатчилик, айниқса экстремистлик шиорлари ва даъватлари нималарга дучор қилиши мумкинлиги, улар одамлар, халқлар учун, умуман давлатимиз учун қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тобора яхшироқ англаб олинмоқда.

Биз миллатчиликка, шовинизмга, айирмачиликка қарши кураш каби масалаларда принципиал бўлишимиз керак. Шундай иш тутганда, айни вақтда миллий соҳадаги муаммолар тўқиб чиқарилган эмас, балки амалда мавжуд бўлган муаммолар эканини, бу муаммоларни қайта қуриш йўлларида ҳал қилиш лозимлигини тушунмоқ керак. Иттифоқ билан республикаларнинг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини амалда мустаҳкамлаш, миллий автономияларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан қарорлар нақадар тезроқ қабул этилса, одамлар янги совет федерациясининг жуда катта афзалликларини амалда шу қадар тезроқ кўрадилар.

Дарвоқе, турли-туман айирмачилар, шовинистлар, миллатчилар буни яхши тушуниб, халқларнинг миллий ўзлигини англаши ўсганидан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга шошилмоқдалар. Уларнинг нияти равшан: уларнинг олисни кўзловчи мақсадларини йўққа чиқариши мумкин бўлган қайта қуришга илдамроқ зарба уришни кўзламоқдалар. Бинобарин, бу масалаларда соддадил, гўл бўлиш ярамайди.

Кейинги вақтларда бу нарса Озарбайжондаги ва Арманистондаги воқеаларда айниқса яққол намоён бўлди. Ҳозир илдизлари олис ўтмишга томир ёйган можаронинг бутун тарихини муфассал баён этишга ҳожат бўлмаса керак. Фақат муаммонинг принципиал жиҳатигагина эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Тоғли Қорабоғ можаронинг марказига тушиб қолди.

Ана шу автоном областни иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришда жиддий муаммолар тўпланиб қолди ва ёдингизда бўлса, Марказий Комитет билан ҳукумат шу муаммоларни ҳал этиш учун катта тадбирларни амалга оширдилар. Вазиятни яхшилашга умид боғлаш мумкин эди, мана шу қийин аҳволдан чиқишга ишонч пайдо бўлди. Бироқ айни шундай истиқбол ҳар иккала республикадаги ва Тоғли Қорабоғ автоном областидаги муайян кучларга манзур бўлмади. Қайта қуриш мақбул бўлмаётган, демократиялаш ва ошкораликдан чўчиётган кишиларга қонун ҳам мақбул бўлмаяпти. Мен бунда пинҳона иқтисодиёт вакиллари — миллатлараро адоват алангасини ҳар хил йўллар билан авж олдираётган ва миллий уйғониш шиорлари остида давлат идораларига тазйиқ ўтказаётган чинакам мафия тўғрисида гапиряпман.

Ҳар иккала республика маъмурлари ва партия органлари тазйиққа ён босиб, бирин-кетин ўз мавқеларини қўлдан бой берганликлари уларни обрўсизлантириб қўйди, албатта. Афсуски, Озарбайжон ва Арманистон зиёлиларининг кўпгина вакиллари ҳам вазиятни тўғри баҳолаб, рўй бераётган воқеанинг ҳақиқий сабабларини аниқлай олмадилар ва воқеаларнинг боришига ижобий таъсир кўрсата олмадилар. Айни пайтда эса қайта қуришга қарши бўлган, порага сотилган кучлар раҳбарликни қўлга олиб, алданган одамларнинг ҳаракатини нотўғри йўлга солиб юборишга муваффақ бўлдилар.

Шуни айтишим керакки, кейинги икки йил ичида Москвада ушбу масаладан кўра бунчалик кўп эътибор берилган масала бўлмади, дейиш мумкин. Марказнинг дастлабки позицияси шундан иборат бўлдики, Тоғли Қорабоғ теварагидаги можаро ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайдиган тарзда бартараф этилиши зарур эди. Акс ҳолда яна адоватлар ва зўравонликлар рўй бериши, қурбонлар ва маҳрумликлар бўлиши муқаррар эди. Зотан, биз вазият энг кескинлашган пайтларда ҳам шу тариқа ҳаракат қилдик. Шунга қарамай, воқеаларнинг боришида бурилиш ясашга муваффақ бўлинмади. Ўтган йилнинг охирида ҳар иккала республика ҳокимиятининг олий органлари мураккаб бир вазиятда аҳволни янада кескинлаштириб юборган қарорлар қабул қилдилар. Иш шунга бориб етдики, республикалар чинакам ўзаро уруш ёқасига келиб қолдилар. Ҳар иккала томондан қуролли гуруҳларнинг тўқнашуви, қурол-яроғларни босиб олиш, қўшинлар ва тартибни сақловчи органларга ҳужум бошланди, темир йўл ва автомобиль йўлларини қамал қилиш кучайди. Бокуда тўс-тўполон чиқарган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари айниқса шафқатсизлиги билан ажралиб турибди. Дастлаб Тоғли Қорабоғда ва баъзи чегара районларида, сўнгра эса Бокуда фавқулодда ҳолат жорий этилмаганида, ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб эмас, балки минглаб ва ўн минглаб кишиларнинг қони тўкилган бўлур эди. Мана, аслида, гап нима ҳақида боряпти.

Рўй берган воқеани тўла таҳлил этиш ушбу Пленум вазифасига кирмайди, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада оддий изоҳлар ва енгил-елпи ечимлар бўлмаслигини айтиш лозим. Энг муҳим сабоқ шундан иборатки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг барча масалалари қайта қуриш, жамиятни янгилаш, демократик мулоқот йўлида ҳал этилиши зарур.

Куч билан, жазолаш, халқни қўрқитиш ва ҳокимиятга тазйиқ ўтказиш усуллари билан ҳаракат қилишга уринишлар — шундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан бевосита бошбошдоқликка олиб борадиган йўлдир. Мамлакатнинг ҳар қандай регионида воқеаларнинг бундай ривожланиши эҳтимолига барҳам бериш учун барча ишларни қилиш зарур.

Партия, совет, давлат органлари, кадрларимиз ва зиёлиларимизнинг роли қанчалик катта ва масъулиятли эканлиги янада яққол бўлиб қолди. Принципиал позициялардан четга чиқиб, қолоқ кайфиятдагилар орқасидан бораётган ёки ҳатто миллатчилик таъсирига берилаётган кишилар сиёсий ҳаётдан четда қолиб кетиши равшандир. Кадрларимизнинг принципиал позициясигина муҳим бўлиб қолмай, балки уларнинг одамларни тўлқинлантираётган амалий муаммоларни ҳал этиш қобилияти ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биз ана шу икки республикада қайта қуриш жараёнлари қанчалик қийин ва оғир кечаётганлигини биламиз. Миллатчи кучлар одамларни ўзларига эргаштиришга муваффақ бўлганликлари унинг асосий сабабларидан биридир. Бу борада биз бош қотирадиган муаммолар бор. Марказ республикаларда қайта қуришнинг боришига самарали таъсир ўтказиш, унинг тарафдорларини қўллаб-қувватлаш учун ўзининг бутун имконияти ва нуфузидан фойдаланмаган кўринади.

Кўрилган қатъий ҳаракатлар туфайли катта фожианинг олдини олишга муваффақ бўлинганлигини юқорида айтиб ўтдим. Кўп минглаб кишилар хавфсизлигига таҳлика солинган эди ва бу қабул қилинган қарорларнинг асосий сабабидир. Бироқ гап яна шундаки, миллатчи, Советларга қарши гуруҳлар конституцион тузумга ошкора ҳамла қилдилар, ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлдилар, демократия эмас, балки қўпол кучга таянган ашаддий миллатчилик диктатурасини ўрнатишга уриндилар. Бу амалда айни зўрлик билан тўнтариш қилишга уриниш эди. Бунинг учун барча структуралар, энг аввало ҳарбий структуралар тайёрлаб қўйилган эди. Баъзи сиёсий кучлар Озарбайжон халқ фронтининг ана шу қисмини рўкач қилишга уринаётган бўлсалар, бу уларнинг ўзлари ҳам қандай мақсадни кўзлаётганликларидан далолат беради.

Биз ана шу фожиали кунларда ўзларининг ёр-биродарларидан жудо бўлган ва ўзлари азият чеккан барча арманлар, озарбайжонлар, руслар ва бошқа миллат кишиларига ҳамдардлик билдирамиз. Партия ва Совет ҳукумати қочоқларнинг қайғусини енгиллаштириш ва уларнинг нормал турмушга қайтишларига ёрдам бериш учун имкони бўлган барча ишларни қиладилар.

Совет Армияси ҳамда Ички ишлар министрлигининг солдатлари ва офицерлари халқ олдида юксак масъулият туйғусини, мардлик, сабр-матонатни намоён этдилар ва бу билан қон тўкилиши авж олиб кетишининг олдини олдилар. Минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар, региондаги вазиятни осойишта ҳолга келтириш учун замин яратдилар. Эндиликда асосий иш ҳар иккала республиканинг халқларида, уларнинг партия ва давлат раҳбарларида қолган. Нормал турмуш қанчалик тез йўлга қўйилиши ва фавқулодда ҳолат бекор қилиниши уларнинг ҳаракатларига боғлиқдир. Тоғли Қорабоғ муаммолари — ҳеч бўлмаганда кечиктириб бўлмайдиган, биринчи галдаги муаммолар ва унинг теварагида вужудга келган муаммолар конституцион принципларга, жумладан, Озарбайжоннинг яхлитлигига сўзсиз риоя этилган ҳолда тезроқ ҳал этилиши учун барча ишларни қилиш зарур, албатта.

Ўртоқлар! Қайта қуриш учун кураш мантиқи бизни янги катта қарорлар қабул қилишга олиб келди. Яқин вақт ичида СССР Олий Совети мулк тўғрисида, ер, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ва маҳаллий хўжалик, солиқ системаси, Иттифоқ ва республикалар ваколатларини белгилаб қўйиш тўғрисида қонунлар ҳамда бошқа муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилади. Республикаларда ва жойларда ҳокимият органларини тузишни ўз ичига оладиган сиёсий ислоҳотнинг иккинчи босқичи бошланди. Янги совет федерациясининг реал қиёфаси намоён бўла бошлади. Аслида бутун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушимизнинг янги шакллари, янги системага эга бўлган ҳокимият органлари ташкил топмоқда. Ҳар томонлама демократиялаш ва ўзини ўзи бошқарув асосларини ривожлантириш ана шу ҳокимиятга хос хусусиятлар бўлади.

Жамият ҳақиқатан ҳам сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтмоқда. партия онгли равишда бошлаган ва шубҳасиз, ижобий самаралар берадиган жараёнлар, биз илгарироқ гувоҳи бўлганимиздек, беқарорлик, бошқарувнинг сусайиши, марказдан четлашиш майлларидан мустасно қилинган эмас. Шуни айтиш керакки, жамиятда бу нарса ҳозирданоқ сезилмоқда, одамлар бундай ҳолатларни англаб етмаяптилар ва хавотирланмоқдалар. Ҳозир стратегик вазифалар нуқтаи назаридан қараганда ва ҳозирги реал воқеаларни ҳисобга олганда қайта қуриш жараёнлари муттасиллигини таъминлаш, уларнинг муқаррарлигига янада мустаҳкам кафолат бериш ва айни пайтда структурага зид тенденцияларга чек қўйиш, жамиятни янгилашни қийинлаштираётган ва унга тўсқинлик қилаётган барча нарсаларга барҳам бериш мақсадида ҳокимиятнинг юқори бўғинида кучларни қайта жойлаштириш зарурати. туғилмоқда. Гап иқтисодиёт ва одамларнинг хавфсизлиги, тартиб ва интизомга дахлдор бўлган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги жараёнлар тўғрисида бормоқда.

Шуни қўшимча қилиш керакки, бу масала ҳозирнинг ўзидаёқ кенг муҳокама қилинмоқда. Одамлар қонун чиқарувчи органларнинг ролини ошириш, партия ва давлат идораларининг ваколатларини белгилаб қўйиш мақсадида амалга оширилаётган ишларни маъқулламоқдалар. Айни пайтда зарур бўлган жойларда дадил ҳаракатлар етишмаётганлигидан ошкора норозилик билдирилмоқда. Қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш учун барча зарур ваколатларга эга бўлган президент бошқарувини ташкил этиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмоқда. Ҳаракат дастури лойиҳасида табиийки, бу ҳақда қисқа гапирилган, фақат ҳеч кечиктирмай ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланади. Бу муаммо Марказий Комитетнинг мазкур Пленумида муҳокама қилиниши керак, деб ўйлайман. Биз қайта қуришни авж олдиришни, у билан боғлиқ режалар амалга оширилишини хавф остига қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳозир сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотнинг бошқа масалаларига тўхталмайман. Бу масалалар жамланган бўлсада, аммо ҳаракат дастури лойиҳасида етарли даражада тўлиқ баён этиб берилган. Улар XIX партия конференцияси қарорлари руҳида ва албатта, жамиятимиз ўтган вақт ичида тўплаган тажрибани ҳисобга олган ҳолда ифодалаб берилган. Демократиялаш, ҳуқуқий давлатни ва ўз-ўзини бошқарадиган социалистик жамиятни барпо этиш тараққиётимизнинг бош йўналиши бўлиб қолади.

Ўртоқлар! Ҳаракат дастури лойиҳасида, табиийки, қайта қуришнинг халқаро жиҳати тўғрисида, бизнинг ташқи сиёсий стратегиямизни белгилаб берадиган дунёга ҳозирги нуқтаи назардан қараш ҳақида гапириш албатта зарур эди. Совет Иттифоқининг халқаро ишларда ўтказаётган ва янгича фикрлашга асосланган йўли партия XXVII съездида янада рағбатлантирилди, ташқи дунё билан алоқалар характери ўзгарганлигига қараб янада кенг ҳажмли, конкрет тусга эга бўлди, амалда ўз ифодасини топди.

Бу йўлнинг асос ва принциплари 1988 йилнинг охирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида баён этиб берилган эди. Янги ташқи сиёсат бутун халқ номидан халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет ҳужжатларида қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилди.

Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳозирги вақтдаги ва яқин келажакка мўлжалланган халқаро фаолиятнинг барча йўналишларига оид вазифалар белгилаб берилади. Шу тариқа, биз XXVIII съездга тайёргарлик даврида ўзимизнинг янги, чинакам қайта қуришга хос ташқи сиёсатимизни тасдиқлаймиз. Бу сиёсат бутун дунёда кенг қўллаб-қувватланиб, эътироф этилди ва ҳозирдаёқ халқаро вазиятда сезиларли даражадаги соғломланишга олиб келди. Айни шундай сиёсат бизнинг ички эҳтиёжларимизга мос келмоқда, Совет давлатининг халқаро позицияларини ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, бутун дунёда маданий муносабатлар шаклланишига имконият яратиб, инсониятни ўз тараққиётининг тинч даврига яқинлаштирмоқда.

Ҳозирги вақтда биз учун энг муҳими — қуролсизланишга доир музокара жараёнини олға силжитишдан, халқаро тараққиётнинг ҳал қилувчи соҳаларида мулоқот ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришдан, Европа хонадонини барпо этиш йўлидаги дастлабки ташаббусларни авж олдириш ва мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашишдан ва унинг доирасида Шарқий Европа мамлакатлари билан иттифоқчилик муносабатларини такомиллаштиришдан иборат. Шарқий Европа мамлакатлари бундай муносабатларга ҳақиқатан ҳам муҳтождирлар. Бундай ёндашувни ана шу мамлакатларнинг янги раҳбарлари тушуниб кутиб олмоқдалар ва шунга жавобан ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳаракат дастури лойиҳасида КПССнинг хавфсизлик масалаларига, мудофаага принципиал ёндашувлари баён этиб берилади ва ҳарбий соҳада ҳам ислоҳотни амалга ошириш зарурлиги айтилади. Ҳозир мен масаланинг бир-икки жиҳатлари тўғрисида гапирмоқчиман. Биз музокаралар доирасида вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб, бундан буён ҳам қуролсизланиш йўлини ўтказиш ниятидамиз. Халқаро вазиятга реал баҳо бериб, унинг ривожланишидаги ижобий жиҳатларни ҳам, шунингдек мавжуд хавф-хатарни ҳам ҳисобга оламиз. Тўғри, кейинги йилларда жаҳондаги вазият яхшиланди, бироқ ҳарбий хавф-хатар ҳали сақланиб қолмоқда. Америка Қўшма Штатлари ва НАТОнинг мудофаа доктриналари ва концепциялари ўз кучини сақлаб қолаётганлиги билан бирга уларнинг армиялари ва ҳарбий бюджетлари мавжуд. Шунинг учун бизнинг яхши тайёргарликдан ўтган ва жиҳозланган қуролли кучларимиз бўлиши зарур. Қуролли кучларимизни такомиллаштириш, уларда қайта қуришни амалга ошириш билан бирга уларни комплектлаш принципини ҳам ўзгартириш, умуман уларни ташкил этишга зўр масъулият билан, жаҳондаги вазият ўзгараётганлигини назарда тутиб ёндашиш лозим.

Қўшинлар ва қурол-яроғлар қисқартирилаётганлиги ва эҳтимол, яна қисқартирилиши муносабати билан баъзи масалалар пайдо бўлди. Хусусан, бу иш мамлакат мудофаа қобилиятини сусайтириб қўймайдими, деган хавотирлик билдирилмоқда. Афтидан, қуролли кучларни қисқартириш ва қайта қуриш мудофаа, мустаҳкам мудофаа учун оқилона зарур даражадаги принципга қатъиян мувофиқ тарзда амалга оширилаётганлигини кўрсатиб берувчи қўшимча изоҳлар керак. Бир қанча ижтимоий муаммолар, айниқса ҳарбий хизматчиларни ва запасга бўшаган ёки истеъфога чиққан кишиларни уй-жой билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ўткир бўлиб турибди. Мудофаа министрлигининг бир ўзи уни ҳал эта олмайди. Ҳукумат масалаларнинг ўткирлигини бирмунча пасайтирадиган бир қанча қарорлар қабул қилди, бироқ афтидан, офицерларни ва уларнинг оилаларини кейинги вақтда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаганликни сезишдан халос этиш учун ҳали кўп иш қилиш талаб этилади. Мазкур қарорлар бажарилишига эришиш зарур. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек запасга бўшатилган офицерлар ва прапоршчикларни ижтимоий жиҳатдан таъминлашнинг тармоқ программасини ҳам тайёрлаш ва тасдиқлаш лозим.

Яна бир жиддий масала. Бу масала оммавий ахборот воситаларида армия ва флот ҳаётини ёритишга тааллуқлидир. Мақолалар ҳаққоний, Совет Армиясига, солдатлар ва офицерларнинг армия сафидаги ишига нисбатан ҳурмат руҳида бўлиши даркор. Биз армияга қарши тарғибот ишларини маъқуллай олмаймиз. Халқимиз унга йўл қўймайди ва рози бўлмайди. Аммо бу армиямиз фаолияти масалалари жамиятда демократик тарзда муҳокама қилиниши зарурлигини рад этмайди.

Ўртоқлар, мен ўз нутқимнинг дастлабки қисмида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида қайта қуриш шароитида партиянинг жамиятдаги ролини қайта англашга, партия, давлат ва хўжалик органлари ўртасида ваколатларни чегаралашга тааллуқли далил-исботларни баён этган эдим. Шу нарса равшанки, мана шу муҳим масала юзасидан Марказий Комитетнинг позициясини қайд этиш зарур. Аммо биз принципиал жиҳатдан қараганда ҳаракат дастурида партияни янгилашнинг ундаги қайта қуришга тааллуқли бўлган жиҳатларини ҳам четлаб ўтолмаймиз. Бусиз партия ҳозирги шароитда ўзининг авангард сиёсий куч сифатида ўз имкониятини рўёбга чиқара олмайди. Лойиҳада шу хусусда бир қанча таклифлар бор. Партия ички турмушига тааллуқли барча жиҳатлар Уставда кенгайтирилган тарзда баён этиб берилиши керак, албатта. Шунга қарамай, КПССнинг янги вазифаси тўғрисида гап борар экан, ҳаракат дастурига ҳам асосий қоидаларни киритиш лозим.

Партиянинг ўзини қайта қуришнинг асосий ғояси — бу ҳақда яна бир бор гапирмоқчиман, ўртоқлар, — **партия оммаси ҳокимиятини қарор топтиришдан** иборат. Шу муносабат билан биз бошланғич партия ташкилотларининг ролини, жумладан, партияга қабул қилиш ва ундан чиқишга, аъзолик бадалларидан фойдаланишга, партиянинг сиёсий авангард сифатидаги янги вазифаси билан боғлиқ вазифаларни ва бошқа кўпгина вазифаларни рўёбга чиқаришга тааллуқли ролини янгича тушунишимиз керак бўлади. Район, шаҳар бўғинининг роли янгича тушунилиши, уларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилиши лозим. Биз барча даражалардаги партия органларини шакллантириш системасига ҳал қилувчи сўзни коммунистлар айтишини таъминлайдиган ўзгаришлар киритишимиз керак.

Сайловнинг ҳам Уставда мустаҳкамлаб берилган янги самарали механизми зарур. Биз бу хусусдаги таклифлар партия қурилиши масалалари комиссиясида муҳокама қилинганидан кейин Марказий Комитет аъзоларига, Пленум қатнашчиларига топширилиши тўғрисида келишиб олдик.

Бўлажак Уставда юқоридан қуйигача сайлаб қўйиладиган барча органлар коммунистлар ва аппарат — сайлаб қўйиладиган органлар назоратида бўлиши ва уларга ҳисоб бериб туриши тўғрисида аниқ-равшан айтиб қўйилган бўлиши даркор. Партиянинг ички турмуши, унинг фаолияти КПСС аъзоларига мунтазам, системали равишда партия сиёсатини шакллантириш жараёнида қатнашишларига имкон бермаслиги тўғрисидаги масала бизни аллақачондан бери ташвишлантириб келмоқда. Бу хусусда кўп марта гапирилган, айтганларидек, яхши истаклар хусусида камчиликлар йўқ. Аммо бу ғояни рўёбга чиқариш учун айни қандай механизмни вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида ҳамон пухта ўйлаб кўрилмаган. Бу партия янги Уставини тайёрлаш чоғида съездолди мунозарасида муҳокама қилиш зарур бўлган муаммоларнинг биридир.

Мен масалани дастлабки тарзда қуйидагича ўртага қўйган бўлур эдим — коммунистларнинг юқори органлар, то Марказий Комитет ишигача таъсири уларнинг ана шу органларга ўз вакилларини, ўзлари ишонадиган, қайта қуришнинг чинакам раҳбарлари, фаол курашчиларини юбориш имконияти қанчалик реал таъминланишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Биз партиянинг сайлаб қўйиладиган барча органларида, жумладан КПСС Марказий Комитетида илғор ишчи ва деҳқонларнинг партиядаги энг фаол, машҳур вакиллари бўлиши зарурлигини айтишимиз даркор ва мен бунга аминман. Иккинчиси. Партия, жумладан Марказий Комитет ва уни сайлаб қўядиган органлар раҳбарлари фаолиятининг ошкоралиги шу пайтгача бўлганига қараганда кенг кўламда таъминланиши керак. Шундай қилинганда, коммунистлар ҳақиқатан ҳам ленинча ибора билан айтганда ҳамма нарсани билишлари ва ҳамма нарса ҳақида онгли муҳокама юритишлари, хулосалар чиқаришлари, таклифлар киритишлари мумкин.

Биз партия органларига у ёки бу регионда ижтимоий ривожланишнинг турли муаммолари юзасидан ўз ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш имкониятини бериш йўли билан ҳам коммунистларнинг сиёсатни шакллантиришдаги реал иштирокини кенгайтирамиз, деб ўйлайман. Ишни шундай олиб бориш лозимки, коммунистлар ана шу ҳужжатларни тайёрлашда, уларни муҳокама этишда ва қабул қилишда реал қатнашиш имкониятига эга бўлсинлар.

Партия демократияси муаммолари шулар билан чекланмайди, албатта. Баъзи мулоҳазаларни айтар эканман, съездолди мунозараси чоғида ана шу муаммоларни чуқур таҳлил этишга эътиборни қаратишни истар эдим.

Ҳаракат дастури лойиҳасида олий партия идораларининг структурасини ўзгартириш тўғрисида таклиф бор. Бунда гап янги номлар билан янгиланишга тайёргарликдан далолат беришидан иборат эмаслиги тушунарлидир. Таклифларнинг моҳияти — партиянинг юқори, раҳбар бўғинларида демократизм омилини кучайтиришдан, айни пайтда — ишлаб турган коллективлар сифатида уларнинг фаолияти учун яхши шарт-шароит яратишдан иборат.

Хусусан, партия Марказий Комитети аъзолари сонини нима учун қисқартириш керак? — деб сўрашлари мумкин. Келинглар, шу масалани муҳокама қилайлик. Биз энг аввало Марказий Комитетни доимий ишлайдиган органга айлантириш зарурлигига асосландик. Аслида, мамлакатдаги ҳокимият партия-давлат системасининг ифодаси бўлган Марказий Комитетни шакллантиришнинг устун даражадаги лавозим принципидан четга чиқиш даркор. Буларнинг ҳаммаси Марказий Комитетнинг партия ташкилотлари билан доимий алоқасини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ўйлаймиз. Чунки бундай алоқа кўпинча аппарат орқали эмас, балки Марказий Комитетнинг сайлаб қўйиладиган аъзолари орқали амалга оширилади. Бунинг устига уларнинг деярли ҳаммаси Марказий Комитетнинг у ёки бу комиссияси ишида қатнашиб, амалда умумпартиявий даражадаги сиёсий арбобларга айланадилар.

Бу борада марказий партия аппарати тўғрисида ҳам гапириш ўринлидир. Партия ролининг ўзгариши билан сифат жиҳатидан бошқа аппарат ҳам зарурлиги равшандир. Бундай аппарат тўла маънода Марказий Комитетнинг ёрдамчиси бўлиши, қатъиян унинг назорати остида иш кўриши зарур.

Марказий Комитетнинг кейинги йиллардаги иш тажрибаси унга табиийки, Уставга мувофиқ муайян доирада чеклашларга қатъий амал қилган ҳолда ўз составини қўшимча равишда тўлдириш ҳуқуқини беришни тақозо этади. Айни пайтда бундай ҳолатга КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзодлар бўлишини тугатиш таклиф этилади.

Мен ҳаракат дастури лойиҳасида ўртага қўйилган бошқа масалаларга тўхталмайман. Сиёсий бюро биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, коммунистларни, барча совет кишиларини тўлқинлантираётган долзарб масалаларга жавоб берадиган шундай ҳужжатни ишлаб чиқишимизга асосланади. Бу билан мамлакатдаги қайта қуриш жараёнларига янги қудратли ижобий омил бахш этилади.

## Ленин ошкоралик ҳақида

Ошкоралик. Бу сўз ҳозир жаҳондаги барча халқларнинг тилларида янграмоқда.

Ошкораликсиз, демократиялашни кенг амалга оширмасдан, сўз ва иш бирлигисиз турмушимизнинг барча жабҳаларини қайта қуриш мумкин эмас.

«В. И. Ленин ошкоралик ҳақида» тўплами босмадан чиқди. Совет давлати асосчисининг тўпламга киритилган фикр-мулоҳазалари мураккаб ва қийин муаммоларни ҳал этишга ошкора ва принципиал ёндашувнинг намунасидир. Бугунги кунда, деб таъкидланган эди КПСС XXVII съездида, ошкораликка фақат биргина, ленинчасига ёндашув бўлиши мумкин: коммунистларга доимо ва ҳар қандай шароитда ҳақиқат керак.

Тўпламдаги мақолаларда В. И. Лениннинг Коммунистлар партияси турмуши ва фаолиятида, ижтимоий ҳаётда, айниқса, инқилобий тангликлар даврида, жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтиш мураккаб босқичида ошкораликнинг моҳиятини ва асосий вазифаларини тушунишга имкон берадиган фикрлари, хулосалари, тавсиялари келтирилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

